

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 2.06

201 7 йил “2” 06



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

201 7 йил “28” 06

МАМЛАКАТШУНОСЛИК

ФАН ДАСТУРИ

| | | | |
|------------------------|---------|---|-----------------------------------------------|
| Билим соҳаси: | 100 000 | – | Гуманитар соҳа |
| Таълим соҳаси: | 110 000 | – | Педагогика |
| | 120 000 | – | Гуманитар фанлар |
| Таълим йўналишлари: | 5111400 | – | Хорижий тил ва адабиёти (испан тили) |
| | 5120100 | – | Филология ва тилларни ўқитиш (испан тили) |
| | 5120200 | – | Таржима назарияси ва амалиёти (испан тили) |

Тошкент – 201 7

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июлдаги 434-сонли буйруғининг 1-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил 2 июлдаги 3- сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Т.Ж.Олтиев – ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент.
- К.Абдуллаев – ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.

Такризчилар:

- М.Т.Тошхонов – ЎзДЖТУ, “Испан тили назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти педагогика фанлари номзоди.
- Х.М.Рўзиева – ТДШИ, “Ғарбий Европа тиллари” кафедраси ўқитувчиси (*турдош ОТМ*).

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил 28 апрелдаги 9 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Мазкур фан тили ўрганилаётган мамлакатлар тарихи, географияси, сиёсий-иқтисодий тузуми, маъмурий-худудий ва давлат тузилиши, иқтисодий-ижтимоий негизлари, жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, миллий қадриятлари, анъаналари каби масалаларни камраб олади. Чет тили таълимининг ажралмас қисми сифатида талабаларнинг коммуникатив, лингвистик, социо-лингвистик, дискурсив, стратегик, касбий, умуммаданий компетентлигини интеграллашган ёндашув асосида ривожлантиришни кўзда тутувчи мавзулар талабаларнинг тили ўрганилаётган мамлакатга оид билимларини оширишда муҳим роль ўйнайди.

“Мамлакатшунослик” фани математик ва табиий-илмий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 2 курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур фан умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштиришда маълум даражада асос бўлиб хизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Мамлакатшунослик фанини ўқитишнинг асосий мақсади - талабаларда тили ўрганилаётган мамлакатлар географияси, тарихи, адабиёти, санъати, фан ва маданияти, таълим тизимини шунингдек ўзларини ўраб турган атроф муҳит ҳақидаги маълумотлар бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Талабалар дунёқарашини, эстетик дидини, мустақил фикрлаш қобилиятини, хотирасини, ақлий меҳнат маданиятини, мулоқот маданиятини, мустақил билим олиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш ушбу фаннинг асосий мақсадларидан биридир.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларини назарий билимлар, амалий кўникмаларини тажриба давомида қўллай олишлари керак.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- Испания ва Лотин Америкаси сиёсий иқтисодий географияси назарий билимлари;
- тарихий ривожланиши ва замонавийлиги нуқтаи назаридан иқтисодий, ижтимоий – сиёсий тизими;
- Испания географияси;
- Испания давлат тизими;
- Испания тарихи;
- Испания байрамлари;
- Испания таълим тизими;
- Испания ва Лотин Америкаси санъати;
- Испаниянинг шаҳар ва автоном провинциялари;
- Испаниянинг урф-одатлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- халқаро муносабатлари, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги геополитик ўрнини билиши;
- луғат бойлигини янги сўз ва атамалар билан бойитишга, жонли тил билан алоқа қилишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- Европа Иттифоқининг шаклланиш босқичлари;
- Европа Иттифоқининг асосий бошқарув органлари: Европа Иттифоқи Комиссияси, Европа Парламенти ва уларнинг функциялари;
- Испания– Ўзбекистон, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги ҳақида **кўникмаларига эга бўлиши керак;**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-мавзу. “Мамлакатшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи

Испан маданиятининг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси. Испан тили-дунёдаги асосий тиллардан бири. Мамлакатнинг маъмурий - ҳудудий

бўлиниши. Географик ҳолати. Рельефи. Гидрографияси. Иқлими. Фойдали қазилмалари.

2-мавзу. Мамлакатшуносликнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари

Мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва техниканинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун бир неча чет тилларини мукамал билишни тақозо этади. Бу эса Ўзбекистон Республикаси таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро ҳужжатларга асосланган узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартларини жорий этиш орқали таъминланади.

3-мавзу. Рим даври ва романлаштириш.

Энг қадимги ва қадимги Испания. Антик маданиятда Испаниянинг ўрни. Вестгот Испанияси. Пиренейда христианликнинг тарқалиши. Вестгот Испаниясида илк феодал жамияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

4-мавзу. Араб истилоси

Араб истилоси. Испания-Дамашқ халифалиги вилояти. Мусулмон Испанияси. Кордова халифалиги Реконкистанинг X асрида. VIII-XI асрларда Пиренейда христиан давлатлари.

5-мавзу. Кастилия ва Арагоннинг вужудга келиши ва ривожланиши

Кастилия ва Арагоннинг вужудга келиши ва ривожланиши (XI-XV асрлар). XV асрда Кастилия ва Арагоннинг сулолавий бирлашмаси. Реконкистанинг тугаши (XV аср). Испания давлатининг ташкил топиши.

6-мавзу. Испанияда муслмон маданиятининг аҳамияти

Испанияда муслмон маданиятининг аҳамияти. Араб маданияти ва испан тили.

7-мавзу. XVI-XVII асрларда Испания тарихи

Габсбурглар давридаги Испания (XVI-XVII асрлар). Американинг кашф этилиши ва мустамлакага айлантирилиши. Ғарбий Европа ва Испанияда XVI-XVII асрларда сиёсий кураш.

8-мавзу. Испания маданиятининг «Олтин асри».

Иқтисодиётнинг таназзулга юз тутиши ва сиёсий ҳукумронлигининг йўқотилиши (XVII аср). Испан мероси учун уруш (1700-1714 йиллар). Бурбонлар Испания тахтида. Карл III ва маърифатли якка ҳокимиятчилик руҳидаги ислохотлар.

9-мавзу. XVIII –XIX асрларда Испания

Буюк Француз инқилоби ва Испания (XVIII аср охири). Наполеоннинг хужуми ва испанларнинг мустақиллик учун уруши (1808-1814). Европада кайта тиклаш ва Испания. Америка колонияларида миллий-озодлик кураши (1810-1825 йиллар).

10-мавзу. XIX асрда испан инқилоблари.

Либераллар ва консерваторлар ўртасидаги кураш. 1868-1871 йиллардаги инқилоб ва 1873-1874 йиллардаги Биринчи республика. XIX аср охирида сиёсий тузумнинг барқарорлашуви ва инқилобий гоъларнинг ёйилиши. 1898 йилги миллий фожиа. Испания XIX ва XX асрлар бўсағасида.

11-мавзу. Испания XIX ва XX асрлар бўсағасида

Мамлакатнинг миллий минтақаларида миллий-айирмачилик анъаналарининг кучайиши. Биринчи жаҳон уруши ва Испания. Примо де Ривера диктатураси (1923-1930 йиллар).

12-мавзу. Жаҳон иқтисоди ва Испания.

Иккинчи республика (1931-1936 йиллар). Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви (1932-1936 йиллар).

13-мавзу. Испания ва Европа Иттифоқи

Европа Иттифоқининг шаклланиш босқичлари. Европа Иттифоқининг асосий бошқарув органлари: Европа Иттифоқи Комиссияси, Европа Парламенти ва уларнинг функциялари

14-мавзу. Испания маданияти.

Кино, театр артистлари. Видео. Радио станциялар. Мусиқа турлари. Санъат турлари. Рассомчилик. Классик ва замонавий рассомлар ва уларнинг асарлари ҳақида.

15-мавзу. Испания иқтисодиётидаги ўзгаришлар

Испания иқтисодиёти, саноати ва қишлоқ хўжалиги. Испания иқтисодиётининг ўсиши ва ривожланиш тарихи. Ишлаб чиқариш саноати. Индустрия ва саноат турлари. Саноати ривожланган ҳудудлар, сув хўжалиги.

Оғир ва енгил саноат. Қишлоқ хўжалигини ривожланиши ва асосий тармоқлари.

16-мавзу. Испаниянинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни

Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги. Испания ва Ўзбекистоннинг иқтисодий алоқалари. Испания ва Ўзбекистоннинг маданий алоқалари. Испания ва Ўзбекистон таълим тизимидаги алоқалари. Ўзбекистоннинг Испания билан ўрнатилган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари.

17-мавзу. Испан тилида сўзлашувчи мамлакатлар

Испан тилида сўзлашувчи мамлакатлар. Тарихи, маданияти, ижтимоий-сиёсий вазият. Жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни.

18-мавзу. Испаниянинг ташқи савдоси

Корпорациялар, қўшма корхоналар фаолияти, Испаниянинг пул системаси. Испания иқтисодиётининг ўсиши ва ривожланиш тарихи

19-мавзу. Испанияда ёшларнинг ҳаёти

Испания ва Ўзбекистоннинг алоқалари. Испания ёшларнинг касб танлаш ва ўз касбига масъулияти. Ёшларнинг дам олиши. Ёшларнинг билимларини бойитиш йўллари. Испания ёшларнинг тарбиясига муносабат. Давлатнинг ёшларга берган имтиёзлари ва қонунлари.

IV. Семинар машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулоти учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Мамлакатшунослик” фанининг мазмуни, предмети ва методи
2. Мамлакатшуносликнинг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари
3. Рим даври ва романлаштириш.
4. Араб истилоси
5. Кастилия ва Арагоннинг вужудга келиши ва ривожланиши
6. Испанияда мусулмон маданиятининг аҳамияти
7. XVI-XVII асрларда Испания тарихи
8. Испания маданиятининг «Олтин асри».
9. XVIII –XIX асрларда Испания
10. XIX асрда испан инқилоблари.
11. Испания XIX ва XX асрлар бўсағасида
12. Жаҳон иқтисоди ва Испания.
13. Испания ва Европа Иттифоқи
14. Испания маданияти.
15. Испания иқтисодиётидаги ўзгаришлар
16. Испаниянинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни
17. Испан тилида сўзлашувчи мамлакатлар
18. Испаниянинг ташқи савдоси
19. Испанияда ёшларнинг ҳаёти

Семинар машғулоти мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, меъёрий-ҳуқуқий, тарихий ҳужжатлардан фойдаланиш тавсия этилади.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўзбекистоннинг Испания билан ўрнатилган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари.
2. Испанияда ёшларнинг ҳаёти.
3. Испания ёшларнинг касб танлаш ва ўз касбига масъулияти.
4. Ёшларнинг дам олиши.
5. Ёшларнинг билимларини бойитиш йўллари.
6. Испания ёшларнинг тарбиясига муносабат.
7. Давлатнинг ёшларга берган имтиёзлари ва қонунлари.
8. Испан тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятлари.
9. Испания географияси, аҳолиси, қазилма бойликлари.
10. Испаниянинг майдони. Испания чегаралари.
11. Испаниянинг маданияти ва саънати.
12. Испаниянинг шаҳар ва автоном провинциялари.
13. Испаниянинг урф-одатлари.
14. Испания ва Лотин Америкаси мамлакатлари. (географик ўрни, тоғлари, табиати, аҳолиси, иқлими)
15. Испания ва Лотин Америкаси маъмурий бўлинишлари
16. Асосий тарихий воқеалари
17. Икки давлат тузилишлари
18. Конституцион органлари
19. Испания ва Лотин Америкаси иқтисодиёти
20. Испания ва Лотин Америкаси билан ўзбек Испаниянинг маданий, иқтисодий ҳамда сиёсий алоқалари.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Alberto Ribibas Casasayas Descubrir España y Latinoamérica Cideb. España 2008
2. Antonio Gil Olicina, Josefina Gomes Mendoza Geografía de España. España 2001.

Қўшимча адабиётлар

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
7. M. Toshxonov, M. Abdullyev, K. Abdullayev España y los países hispanohablantes. T., 2006
8. Т. Олтиев Los países hispanohablantes. T. 2008
9. Belén Moreno de los Ríos. Buscando España. España 2010

Интернет сайтлари

10. <http://es.altavista.com/>
11. <http://www.sobre.españa.ru>

